

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРИЗМ ЗОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Фурқат Исломов

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази

Етакчи илмий ходими

islomovf95@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда ички туризмни ривожланишида амалга оширилаётган ислохотлар, туристик-рекреацион зоналарнинг ривожланиши ва иқтисодиётдаги ўрни, хорижий туристлар оқими ва туристлар учун яратилаётган имкониятлар акс эттирилган. Шунингдек, келгусида мамлакат иқтисодиётида туризм соҳасинининг улушини ошириш, хорижий сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш учун амалга оширилиши керак бўлган ишлар батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Туризм, меҳмонхона, турист, туризм зона, Чорвоқ туризм-рекреацион зонаси, Бойсун туризм-рекреацион зонаси, Зомин туризм-рекреацион зонаси.

Кириш. Она заминимиз ўзининг гўзал табиати, иқлими, тарихий манзилгоҳлари, асрлар қаъридан садо берувчи маданий мерос объектлари, зиёратгоҳлари билан сайёҳларни, хорижий меҳмонларни мудом ўзига жалб этиб келмоқда. Мамлакатимизнинг улкан туризм салоҳияти ушбу соҳанинг йилдан-йилга кенг тараккий этишида, сайёҳлар оқимининг кўпайиши ҳамда иқтисодиётда тутган ўрни ва улуши ортиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида 1-бўлиб, 1993 йил 4 октабрда Бутунжаҳон туризм ташкилоти(БТТ)га аъзо бўлди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда халқаро туризмнинг ривожланишига, иқтисодиётда туризм соҳасининг улушини ошишига хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда 9608 дан зиёд маданият объектлари мавжуд. Шундан 7300 дан ортиқ қисми қадимий архитектура ва археологик объектлари ҳисобланиб, уларнинг 200 таси ЮНЕСКО нинг жаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган. Уларнинг асосий қисми Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида жойлашган.

Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш» белгиланди.

Ўзбекистоннинг ички туризм салоҳияти

2023 йил 1-январ ҳолатига кўра мамлакатимиздаги ички туризм кўрсаткичлари сони 8025,2 минг нафарни ташкил қилган. Шу билан бирга мамлакатимизда маҳаллий ва хорижий туристлар учун 2458та оилавий меҳмон

уйлари, 1442та жойлаштириш воситалари, 2400 нафар гид - экскурсоводлар, 1483 нафар туроператор ва турагентлар хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хусусан йил якунларига кўра мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони- 5,23 млн нафарни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 3,4 млн нафарга ёки 2,8 бараварга ошган. Ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми кўшни мамлакатлар Қозоғистон (29,6%), Тожикистон (27,7%) ва Қирғизистон (26%) мамлакатларига тўғри келади.

Мамлакатимизда ички туризмни рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 232-сонли қарорига мувофиқ Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳамкорлигида “Кешбек” тизими ишлаб чиқилди. Мазкур тизим доирасида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида ички саёҳатларни амалга оширган мамлакатимиз фуқароларига харажатларининг бир қисми қайтариб берилмоқда. Саёҳат харажатларини қайтариш ҳар бир туристга қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

- Авиакатнов орқали бориб келиш чиптаси нархининг 15%и, лекин 150минг сўмдан ошмаган миқдорда;

- темир йўлда ёки автобусда бориб-келиш чиптаси нархининг 15 фоизи, лекин 80 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

- жойлаштириш воситасида тунаб қолиш харажатининг 15 фоизи, лекин 80 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

- театр, музей, цирк ва бадиий галереяларга ҳар бир ташриф чиптаси нархининг 50 фоизи, лекин 20 минг сўмдан ошмаган миқдорда.

Мамлакатимизда туризмнинг асосий қисмини зиёрат туризми, экотуризм, гастрономик туризм ташкил қилади. Ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Биргина 2022 йилда Самарқанд вилоятидаги “Регистон” ансамблига 1028 минг маҳаллий ва хорижий туристлар ташриф буюрганлиги бунинг яққол намунаси.

Ўдудларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, анъанавий туризм билан биргаликда бошқа туризм турларини яратиш мамлакатимизда ички туризмни ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Минтақанинг туристик рекреацион салоҳиятини (ТРС) баҳолаш методикаси.

Э.И Богданова томонидан ишлаб чиқилган туризм салоҳиятининг ҳажми ва самарадорлигини баҳолаш методологияси. Ушбу методологияда туризм салоҳияти ресурсларининг умумий ҳажми, туризм салоҳияти даражаси, туризм салоҳиятини рўёбга чиқариш кўрсаткичи каби қадриятлар акс этади. Э.И Богданованинг таъкидлашича, “ТРСни ҳар томонлама баҳолаш умумий харажат индексларини танлаш ва туризм салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш шарти билан мумкин бўлган ялпи даромадни ҳисоблаш имконини берадиган иқтисодий усуллар ёрдамида амалга оширилиши керак”. Муаллифнинг фикрига кўра

“ТРСнинг микдорий ифодаси маълум бир ҳудудда атроф-муҳитга, аҳолига, маданий-тарихий объектларга, дам олиш сифатига, шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга зарар етказмасдан жойлаштирилган туристларнинг маълум сони бўлиши мумкин.”

Ю.А.Худенких томонидан таклиф қилинган ҳудуднинг ТРПни баҳолаш методологияси. Муаллиф дастлаб табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий жиҳатларни баҳолаган ҳолда балл мезонини таклиф қилади. Қолган блоклар умумлаштиришда ҳисобга олинади. Ю.А.Худенкихнинг фикрича “туристик салоҳият туризмнинг энг йирик шаклларига нисбатан баҳоланади: когнитив, соғломлаштириш, спорт, тиббиёт ва бизнес туризми”.

Расмий статистика (2) ва эксперт сўровидан (3) фойдаланган ҳолда ТРСни ҳисоблаш формулалари қуйидагилардан иборат:

$$ТРС = (|ТО| + |МТО| + |ИИО| + |ТИТ|) \quad (2)$$

Бу ерда: ТО-табиат омиллари, МТО-маданий ва тарихий омиллар, ИИО-ижтимоий-иқтисодий омиллар, ТИТ-туристик инфратузилмани таъминлаш.

$$ТРС = (|ТШР| + |МТР| + |ТИТ| + |ТАХ|) - |ЧО|, \quad (3)$$

Бу ерда: ТШР -табиий шароит ва ресурслар, МТР-маданий ва тарихий ресурслар, ТИТ-туристик инфратузилмани таъминлаш, ТАХ-туризмнинг ахборот ҳавфсизлиги, ЧО-чекловчи омиллар.

Блокларнинг ҳар бири М.В. Гудковских томонидан таклиф қилинган формула бўйича ҳисобланиши мумкин (4):

$$B_i = \sum k_i \times a_j$$

Бу ерда В-ТРСни баҳолаш блоклари, а-блок компонентлари, j-баҳолаш блоки компонентлари сони, k_i -блокни баҳолаш тузилмасида маълум бир компонентнинг аҳамиятлилик коэффициенти, $a_j = (f_1 + f_2 + f_3 + \dots + f_n)$; f_n -блок компонентлари учун баҳола мезонларининг қиймати; n-баҳолаш компонентидаги мезонлар сони.

Кейинги босқичда “жуда юқори қиймат”, “юқори қиймат”, “ўртачадан юқори потенциал қиймат”, “ўртача қиймат”, “ўртачадан паст потенциал қиймат”, “паст қиймат” “потенциал йўқлиги” каби параметрлар блокларини баҳолаш асосида ҳудудда туризмни ривожлантириш даражасини баҳолаш йўлаги белгиланади.

Туризм зоналарининг яратилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 18-июл “Туризм тўғрисидаги” қонунининг 4-боби 17-моддасида туристик зоналарга қуйидагича таъриф берилган: “Муайян чегараларга эга бўлган, бир ёки бир неча туристик ресурслар (табиий, тарихий, ижтимоий-маданий, даволаш, соғломлаштириш объектлари, шунингдек, туристлар ва экскурсантларнинг эҳтиёжларини қаноатлантира оладиган бошқа объектлар) жойлашган кириш туризмини ва ички туризмни, туристик индустрияни ривожлантириш, туристик ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган ҳудуд туристик зонадир”.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг Тошкент вилоятида жойлашган “Чорвоқ” Ўзбекистоннинг туристик потенциали юқори ҳудудларидан бири ҳисобланади.

Бу ерда барча коммуникация алоқалари ўрнатилган бўлиб, интернетдан фойдаланиш, энг асосийси, сув ҳавзаларида мароқли ҳордиқ чиқариш ва дам олиш, табиат қуйнида бизнес учрашувларни ташкил этиш мумкин. Бунда транспорт инфразутилмасининг яхши йўлга қўйилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5-декабрдаги “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сон қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрининг туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида вилоятда замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали аҳолининг дам олиши ва туризми учун шарт-шароитларни яхшилаш, туризм хизматлари соҳасида янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида 2018 йил 15 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвоқ” эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2020-2022 йиллар давомида “Чорвоқ” туристик рекреацион зонасида 65,1 млн.доллар инвестиция ҳисобига 19 та 2189 ўринли замонавий меҳмонхона ва дам олиш масканлари, 6 та ресторанлар, кийикчилик эко-туризми ва рафтинг спорт машғулоти, 6 та йирик савдо дўконлари, 1 та хусусий клиника ҳамда 466 та оилавий меҳмон уйлари ва узунлиги 3000 метр бўлган 2400 киши қувватига эга “Амирсой Экспресс” дор йўли ишга туширилди. Натижада 1798 та янги иш ўринлари яратилди. 2022 йил якунига кўра “Чорвоқ” туристик рекреацион зонасига 15 млн 300 минг маҳаллий ва хорижий туристлар ташриф буюрди.¹

“Чорвоқ” туристик рекреацион зонасининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида 2023 йилда 107,7 млн.доллар инвестиция ҳисобига 25 та 4230 ўринга мўлжалланган меҳмонхона ва дам олиш масканлари (*ресторанларни ўз ичига олган*), 1 та истироҳат боғи, умумий узунлиги 1600 метр бўлган 2400 қувватига эга “Чиноркент” дор йўлини ишга туширилишини таъминлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг натижасида 1950 та янги иш ўринлари яратилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 майдаги “Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан воҳанинг сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш йўллари белгилаб берилган.

Бойсун туманида жойлашган Омонхона ҳудудининг туризм салоҳияти юқолилигидан келиб чиқиб, ушбу ҳудудда экотуризм зонасини ташкил қилиш орқали сайёҳлар оқимини ошириш, улар учун янги туризм хизматларини ташкил этиш ва маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Омонхона туризм қишлоғида қатор туризм хизматлари йўлга қўйилган. Жумладан, 30 та оилавий меҳмонхона уйлари, умумий узунлиги 2,5 км бўлган пиёдалар ва велойўлаклар, ахборот марказлари, савдо расталари, кемпинг хизматлари, отда тоғли ҳудудларда сайр қилиш, велосипед ижара хизматлари йўлга қўйилган.

Бойсун туманида экотуризм зонасини тўлиқ ташкил этиш орқали қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилган ва бу аста-секинлик билан ўз самарасини бериб келмоқда:

¹ <https://chorvoqet.uz/>

Шу каби, Жиззах вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Зомин” туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6201-сонли фармони қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг Швейцарияси деб саналувчи Зомин тумани ўзининг ажойиб ландшафти, мафтункор табиати, иқлими, тоза ҳавоси, зилол булоқлари, хилма-хил флора ва фаунаси билан маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиб келмоқда.

Ҳозирда ушбу ҳудудда 360 ўринга эга 3 та (3 юлдузли) меҳмонхона ўз фаолиятини олиб бормоқда. Туристтик-рекреацион зона ҳудудида қўшимча хизмат кўрсатиш объектлари сонини ошириш ҳамда экстримал туризмни ривожлантириш мақсадида узунлиги 2160 метр узунликдаги замонавий осма дор йўли барпо этилмоқда.

Хулоса. Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш доирасида етарлича имконият ва қулайликлар берилганлигига қарамадан, ялпи ички маҳсулотда туризм соҳасининг улуши (3%га яқин) пастлигача қолмоқда. Бунга асосий омиллардан бири аҳолининг саёҳат қилишга молиявий имкониятининг чекланганлиги, туризм инфратузилмасининг талаб даражасида бўлмаганлиги, соҳани ривожлантириш доирасида берилган мавжуд барча имтиёزلардан, туристик ресурслардан тўлақонли фойдаланилмаслиги ва мавсумийликка боғланиб қолинганлигидадир.

2019 йилда сайёҳлар Ўзбекистон шаҳарларида ўртача 195 долларгача маблағ сарфлаб, 2-3 кун қолишган бўлса, 2022 йил якунига кўра саёҳатлар давомийлиги 4-5 кунга, сарф-харажатлар 305 долларгача ошган.² Рақамларга эътибор бериб бошқа мамлакатлар билан солиштирадиган бўлсак ушбу кўрсаткичлар мақтанарли даражада эмас.

Мамлакатимизда ҳозирги туризм мавсумийлигини узайтириш бўйича ҳудудларнинг салоҳияти жуда катта. Тошкент, Жиззах вилоятларида қишки мавсумда – тоққа чиқиш, чанғи учиш майдонларини, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ёзги мавсумда – чўмилиш масканларини ташкил этиб, туристик мавсумга яна икки ой қўшиш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун қулайлик яратиш учун темир йўл хизматларида ички рейслар тақчиллиги кузатилмоқда. Ҳозирги кунда темир йўлда ҳафтасига 68 та қўшимча қатновга, 350 та янги вагонга талаб бор. Қорақалпоғистон, Жиззах, Наманган ва Сурхондарёда сайёҳларга автобус етишмайди. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун маҳаллий авиақатновлар сонини ошириш, водий – Урганч, водий – Термиз, водий – Бухоро, водий – Самарқанд, Термиз – Нукус, Самарқанд – Урганч, Бухоро – Урганч каби йўналишлар бўйича мунтазам авиарейсларни йўлга қўйиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. S. Pchyshyn: Taxonomic analysis in the study of the possibilities of innovative development of trade in tourist and recreational zones. Innovative solutions in modern science № 3(22), 2018

² Tourism.uz

2. Мамраева Д. Г., Ташенова Л. В. Методический инструментарий оценки туристско-рекреационного потенциала региона // Экономика региона. — 2020. — Т. 16, вып. 1. — С. 127-140

Интернет сайтлар:

1. <https://lex.uz/uz/docs/5991928>
2. <https://lex.uz/docs/4428097>
3. <https://lex.uz/docs/5825004>
4. <https://madaniymeros.uz/>
5. <https://uzbektourism.uz/>
6. <https://chorvoqetz.uz/>
7. <https://xs.uz/uzkr/post/turizmni-rivozhlantirish-bojicha-qoshimcha-imkoniyatlar-korsatib-otildi>